Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 МАЙ, ЧОРШАНБА

№ 91 (596). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ФАЗОВИЙ ЙЎЛДОШ ТОШКЕНТЛИК ТИББИЁТЧИЛАРГА ИЛЛИНОЙЗ УНИВЕРСИТЕТИ КУТУБХОНАСИНИНГ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ

2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг бир гуруҳ мутахассислари икки ҳафта мобайнида АҚШдаги энг йирик тиббиёт муассасаларида бўлиб қайтишди. «Халқ сўзи» мухбири ушбу делегация раҳбари, институт ректори, медицина фанлари доктори Ҳомид КАРИМОВга баъзи саволлар билан мурожаат этди:

— Бизга маълум бўлишича, ўтган йилнинг охирларида сизлар Америка Қўшма Штатларидаги баъзи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузган экансизлар. Агар сир бўлмаса шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтсангиз?

— Мустақил ривожланиш жараёнини бошидан кечираётган собиқ Иттифоқ республикаларидаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида АҚШ давлат департаменти томонидан яқинда Америка Халқаро Соғлиқни Сақлаш Иттифоқи ташкил этилган эди. Мазкур ташкилот вакиллари МДҲ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё республикаларига ҳам ташриф буюришиб, жойлардаги соғлиқни сақлаш ташкилотларининг бугунги аҳволи ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати билан обдон танишишди. Республикалардаги тиббий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва амалий кўмак бериш масалаларини муҳокама қилишди.

Делегация аъзолари республикамизга ҳам келишиб, кўпгина тиббий муассасаларни кўришди. Мавжуд шароитлар, иш услублари билан танишишди. Натижада улар бизнинг институтимиз клиникаси билан ҳамкорлик қилишни маъқул кўришди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари тузилажак шартноманинг асосий қисмини ташкил этиши лозим эди. 1992 йилнинг декабрида америкалик 15 нафар тиббиёт ходими институтимизга қайтадан ташриф буюришди. Улар орасида Чикагодаги Иллинойз университети ректорининг ўринбосари Генри Ричард Маноое жаноблари ҳамда Сиэтл шаҳридаги Шимоли-ғарб госпитали вице-канцлери ҳам бор эди. Делегация аъзолари клиникамизда амалга оширилаётган ишларни муфассал ўргандилар. Пировардида америкалик мутахассислар клиника фаолиятига катта баҳо беришди. Шундан сўнг АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг масъул ходими иштирокида Иллинойз университети ҳамда Шимоли-ғарб госпитали билан институтимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди...

— Сизлар ярим ой давомида Америкада бўлиб қайтдиларинг. Сафардан кўзланган асосий мақсадлар нималардан иборат эди?

— Бизнинг жавоб ташрифимиз юқоридаги имзоланган ҳужжатда кўзда тутилган эди. Биз Чикаго ва Сиэтл шаҳарларидаги тиббиёт институтлари ва шифохоналарида бўлиб, уларнинг иш услублари, даволаш, ташҳисот ҳамда медицина олий ўқув юртларида ўқув ва илмий юмушларнинг ташкил этилишини ўргандик. Келажакда ҳамкорликда қилинадиган ишларни муҳокама қилдик. Ўзаро келишувга биноан ўттиз нафарга яқин врачимизни Иллинойз университети клиникаси ва

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни таниқли тадбиркор, машҳур «Адидас» компаниясининг асосчиларидан бири, ўзбек-француз амалий алоқаларини мувофиқлаштирувчи Эндрю Гельфи бошчилигидаги француз ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов жаноб Гельфи Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади ва айни пайтда ўзининг яқинда Германияга қилган сафари ҳақида тўхталиб, олмон ишбилармонлари Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билан қараётганини қайд этди.

— Аммо Франциядек буюк мамлакат билан амалий алоқаларимиз ҳозирча кутилган даражада бўлмаяпти, — деди Президент, — Ўзбекистон ҳукумати ва халқи кўҳна тарихга ва жаҳонда ўзига хос мавқега эга бўлган француз халқи билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришни истайди.

И. Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ва француз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлган соҳалар — сайёҳлик, қурилиш, пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати, банк хизматининг истиқболли жиҳатлари хусусида сўзлаб берди.

— Мен кейинги пайтда қанчалик француз бўлсам, шунчалик ўзбек ҳам бўлиб қолдим, — деди Эндрю Гельфи. — Бир неча йилдан буён Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини ўрганиб келаман. Шу боис бугал ўзим билан пахта, қурилиш, шакар саноати ва молия мутахассисларини бирга олиб келдим. Яқин кунларда француз ишбилармонларининг яна бир гуруҳи Ўзбекистонга келади. Бу ерда меҳмонхоналар, фармацевтика, шакар заводлари қуриш ниятидамиз. Мақсадимиз — икки халқ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-Поль Везиан ва башқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. И. ҚАРИМОВ ва О. Ғ. АҲМЕДОВАНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантириш борасидаги кўп йиллик халол меҳнати ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

Каримов Шавкат Иброҳимович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Аҳмедова Олмос Ғафуровна — Ғафур Ғулом уй-музейининг директори.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 11 май.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Давлатлараро келишувга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан шу йилнинг 23—25 май кунлари Ўзбекистонда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири жаноб Нарасимха Раонинг расмий дўстона ташрифи бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЁШ МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги фармонини бажариш юзасидан ҳамда илм-фан ва маданият соҳасида республика ёш фуқароларининг бунёдкорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти таъсис этилсин. Ҳар бири республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида олтита мукофот таъсис этилсин.

Мукофотлар 1993 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунида берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг ёш муаллифларининг энг сара асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти:

энг яхши адабиёт, санъат ва архитектура асарларига — ҳар бир соҳада бир мукофот;

жамиятшунослик, табиат ва техника фанлари соҳаларида илм-фан ва техниканинг илғор йўналишларидаги энг яхши тадқиқотлар учун ҳар бир соҳада бир мукофот берилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотининг низоми;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти комиссиясининг таркиби.

4. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти комиссияси:

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши учун бир ой муддатда лауреатлик дипломи ва фахрий белги эскизларини тақдим этсин;

давлат мукофотини беришга доир ташкилий ишларни мувофиқлаштириб борсин.

5. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотини бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлаганидан сўнг кучга кириши белгилаб қўйилсин.

6. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти комиссияси билан келишиб, 1993 йил 1 сентябрга қадар ана шундай имтиёзларни бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мақсадга зарур маблағ ажратишни кўзда тутсин.

7. Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти лауреатлари 30 ёшга тўлгунга қадар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиши белгилаб қўйилсин:

шаҳар жамоат транспортида (таксидан ташқари) текин юриш;

айрим коммунал ва маиший хизмат ҳақини 50 фоиз чегириб тўлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги, «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси, «Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти» давлат уюшмаси, Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун давлат мукофоти комиссияси билан келишиб, 1993 йил 1 сентябрга қадар ана шундай имтиёзларни бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мақсадга зарур маблағ ажратишни кўзда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 11 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1993 йил 11 майда Қ. А. Аҳ[illegible]ов раислигида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси 293-Жомбой ва 436-Тошлоқ сайлов округларида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 1993 йил 8 майда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссияларининг баёнларини кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги қонуннинг 21- ва 49-моддаларига мувофиқ мазкур округлардан сайланган қуйидаги Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларини рўйхатга олди:

Саломов Суннат Қаҳҳорович — Жомбой туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги бригадири, Жомбой қишлоғида яшайди, Самарқанд вилояти 293-Жомбой сайлов округидан сайланган:

Сулаймонов Позилжон— Тошлоқ туманидаги М. Эргашев номли жамоа хўжалиги бригадири, Варзак қишлоғида яшайди, Фарғона вилояти 436-Тошлоқ сайлов округидан сайланган.

Марказий сайлов комиссияси Қашқадарё вилояти 224-Муборак, Хоразм вилояти 459-Қоромон сайлов округидан сайланган депутатларни чақириб олиш бўйича округлардаги бир қанча меҳнат жамоаларининг таклифлари ва шунга боғлиқ ҳужжатлар ҳамда округ комиссияларининг М. Жўраев ва О. Полвоновни халқ депутатлигидан чақириб олиш бўйича 1993 йил 8 майда ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлис баёнларини кўриб чиқиб шуни таъкидлайдики, халқ депутатлигидан чақириб олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар қонун талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Депутат М. Жўраевни депутатликдан чақириб олиш юзасидан овоз беришда сайловчилар умумий сонининг 99,0 фоизи қатнашди, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,1 фоизи депутатликдан чақириб олишни ёқлаб овоз берди.

Депутат О. Полвоновни депутатликдан чақириб олиш юзасидан овоз беришда сайловчилар умумий сонининг 98,7 фоизи қатнашди, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,2 фоизи депутатликдан чақириб олишни ёқлаб овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижаларини қайд этди ва «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 9-модасига асосан 1993 йил 11 майдан эътиборан М. Жўраев ва О. Полвоновнинг халқ депутатлиги ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган деб ҳисоблади.

ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

БОЗОР ТАЛАБИ — ИШБИЛАРМОНЛИК

● БУХОРО. Ихтисослашган тажриба заводи омухта ем сақланадиган катта идишлар ишлаб чиқаришдан воз кечди.

ЎРНИГА ғўзапоя юладиган икки хил агрегат йиғиш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотга Ўзбекистонда ҳам, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда ҳам талаб катта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агрегат далаларни мавсумий экинлар поясидан тозалашда катта самара бераркан.

ЧЕГАРАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

● ТЕРМИЗ. Шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган чегарачилар билан учрашув ўтказилди.

БИР гуруҳ уруш фахрийлари суронли йилларда кўрсатилган мислсиз жасорат ҳақида гапириб беришди. Улар ёш жангчиларни ватанни азиз ва муқаддас билиб хизмат қилишга, ҳарбий илм сирларини қунт билан эгаллашга даъват этишди.

КАВКАЗ СУВЛАРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

● ОҚТОШ. Қоратоғ этагидан қазилаётган қудуқдан шифобахш сув чиқди.

БУ сув мутахассисларнинг фикрича, таркибининг минералларга бойлиги жиҳатидан Кавказдаги машҳур оромгоҳлар сувидан қолишмайди. Бу ерда очилган цехда ошқозон-ичак ва жигар хасталикларига наф берадиган фойдали чанқоқбосди ичимликлар чиқарила бошланди.

ЕНИЛҒИНИ ТЕЖАЙДИ, ҲАВОНИ БУЛҒАМАЙДИ

● ФАРҒОНА. Вилоят йўлларида Олмониянинг «Мерседес Бенц» автобуслари қатнай бошлади.

УНИНГ қулайлиги шундаки, ёнилғи-мойлаш материалларининг нархи осмон қадар кўтарилган бир пайтда уларни тежайди. Атроф-муҳитни у қадар ифлослантирмайди.

КОРХОНАНИНГ ХУЖАЙИНИ БУЛИШДИ

● НАМАНГАН. «Шарқ» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз корхонасининг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланди.

ИШЛАБ чиқариш фондларининг умумий қиймати 25 миллион сўмдан ортиқроқ деб баҳоланди. Бинолар, машина ускуналари, инженерлик иншоотлари ишчиларга имтиёзли шартлар билан берилди. Пойафзалчилар шу пулнинг 80 фоизини 5 йил давомида тўлайдилар.

ҚУРИЛМА УРУҒЛИКНИ САРАЛАЙДИ

● ГУЛИСТОН тумани. Бир йўла тўртта хўжалик пахтакорлари уруғликни саралайдиган қурилмага яхши баҳо беришди.

УНИ Сирдарё давлат дорилфунуни олимлари ясашган. Агрегат бир соатда 2 ярим тонна уруғлик чигитни саралайди. Уни икки киши бошқаради. Вилоятдаги бошқа пахтакор хўжаликлардан ҳам саралаш агрегатига буюртма тушди.

БОШҚАРМА ТАБИБЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРАДИ

● АНДИЖОН. Халқ табобати вилоят бошқармаси тузилди.

СЎНГГИ вақтда табиблар анча кўпайиб қолганди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, фойдали томонга йўналтиришга эҳтиёж сезилаётганди. Бу ишлар билан даволаш, нина муолажаси, қўл тегизмай уқалаш, психотерапия, аутотерапия усуллари учун янги ва кенг имкониятлар очади.

ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЕШ МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЕРИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Салоҳиддинов М. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, комиссия раиси

Азимов У. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, комиссия раисининг ўринбосари

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдуваҳобов А. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Абдуллаев Р. — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи

Орзиматов А. — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг биринчи котиби

Аҳмедов Р. — Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг раиси

Аюпов Ш. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Ғуломов Қ. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Ғуломов С. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Жалолов Б. — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Жўраев Х. — Ўзбекистон Давлат кинокомпаниясининг раиси

Зокиров Ф. — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Қориева Б. — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси

Каримов Ш. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

Кимсанбоев Х. — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси

Назаров Б. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Петрова О. Ю. — «Молодёж Узбекистана» газетасининг бош муҳаррири

Раззоқов Ж. — «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири

Рашидова С. — химия фанлари доктори, профессор

Саидов А. — ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

Ҳайитбоев Э. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ЭЛ-ЮРТНИ ТЎЗИТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН халқи олдида турган бугунги энг муҳим вазифа нима!

Жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашув чоғида айтган қуйидаги сўзлари бу саволга айнан жавобдир: «Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса — ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир».

Хўш, бу йўлда тўсқинлик қилаётган асосий иллат нима!

Бу саволга жавобни ҳам Президентнинг ўша учрашувдаги сўзларидан олиш мумкин, «Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўймасак... орамизда кўтариб ташлашимиз керак... Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми, фарқи йўқ — ўзбекдир».

Ҳар қандай аҳил-иноқ эл-юртни ҳам тўзитадиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик иллати хусусида меҳнаткаш халқ қандай фикрда! Мухбирларимиз шу саволга жавоб топиш мақсадида турли табақа ва соҳа кишиларига мурожаат қилдилар.

А. САЛИМБОЕВ,
Миробод туманидаги 20-Баратхўжа маҳалла қўмитаси раиси:

— МАҲАЛЛИЙЧИЛИКНИ давлат ва жамиятнинг илдизига урилган болта деб биламан. Бир мисол келтирай. Айтайлик, дуппадуруст ишлаб, халққа нафи тегиб турган этикдўз бир мансабдорнинг кўрсатмаси билан ноҳвойлик лавозимига ўтказиб қўйилди. Оқибати нима бўлиши аён — собиқ этикдўз нонни расво қилиб ёпгани устига тез кунда тандирни ҳам бузади. Қарабсизки, аҳоли ҳам чориқсиз, ҳам нонсиз қолди.

Совет тузумидан мерос қолган кадрлар сиёсатининг маҳсули эмасми бу? Етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масаласида қандай ақидаларга амал қилиб келинди? Жавоб аниқ. Раҳбарлик лавозимлари, мансаб курсилари, ёғли ўринлар маҳаллийчилик, қариндошуруғчилик, ошна-оғайничилик асосида тақсимлангани сабабли бугунги аҳволга тушдик. Ана шу мансаб талашиш касофату офат эканлигига кўҳна тарихимизда мисоллар жуда кўп.

Майли, ўтган ишга саловат. Ҳозир давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тақдири ҳал бўлаётган давр. Шундай экан ҳудбинлигимизни қўя туриб, бугунимиз ва эртамизни ўйлайлик. Қаерданлиги, кимнинг қариндошию кимга «тегишли» эканлигидан қатъий назар, раҳбар лавозиму мансаб курсиларига фақат иқтидорли, ҳалол, ишни эплай оладиганлар тайинлансин.

Менга қолса, бугунги иқтисодий бўҳрон шароитида ҳам фақат шахсий манфаатини дейдиганларни Ўзбекистон мустақиллигига тўғаноқ солаётганларни деган бўлур эдим. Ёзувчилар билан учрашув чоғида Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозир Ўзбекистонда яшаб турган барча халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ягона ғоя эл-юрт манфаатидир. Ҳар ким қўлидан келишига қараб ўз ўрнида бўлмас экан, бу йўлнинг охирига етиш қийин.

Ё. СОДИҚОВ,
меҳнат фахрийси, пенсионер:

— Мен юрт кезган, ҳаёт кўрган одамман. Ярим аср темир йўлда хизматчи бўлиб ишладим. Совет тузумида яшаган икки-уч авлодни кўздан ўтказдим. Сўраб қолдингиз, мавриди келганда айтай.

Илгари Ўзбекистонга бошчилик қилганларнинг кўпчилиги Москванинг айтган гапию чизган чизиғидан чиқолмасди. Чиқса, мансабдан айриларди, марказнинг назаридан қоларди. Ҳа, маҳаллийчиликнинг зўри «катта марказ»нинг ўзида эди.

Яратганнинг ўзига шукрлар бўлсинким, халқпарвар Президентимиз бошлиқ ҳукуматимиз бундай иллатларга қарши аёвсиз кураш бошлади. Бу хайрли ишнинг охири ҳам хайрлидир.

А. ЙЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди.

ҲАТТО ФРАНЦУЗЛАРНИ ЛОЛ ЭТДИ

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондларида сақланаётган санъат асарлари кўргазмаси Франциянинг қатор шаҳарларида намойиш этилди.

«Самарқанд замини сирлари» деб номланган бу кўргазмани Париж, Тулуза, шунингдек Нормандиянинг Коэн шаҳри аҳолиси катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Маълумки, Самарқанд музейи республикадаги музейлар ичида энг бойларидан ҳисобланади. Бу ерда халқимизнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи, унинг улуғ маданий мероси ҳақида анча мукаммал тасаввур берувчи нодир санъат асарлари сақланади. Шу сабабли бу кўргазма намойиш этилган барча жойларда катта муваффақият қозонди.

У ерга борган Самарқанд музей-қўриқхонаси ходимларини Темурийлар даври санъатини ўрганиш ассоциациясининг президенти Люсьен Корен, Буюк ипак йўлини ўрганиш Бутунжаҳон лойиҳасининг директори Дуду Дьен ва бошқалар қабул қилишди. Улар ҳам кўргазмага ва унинг ташкилотчилари ишига юқори баҳо бердилар. Самарқандда сақланаётган санъат асарлари шуҳратини шундан ҳам билса бўладики, бу кўргазмани ўзларида намойиш қилишларини сўраб, Севиль шаҳри, Португалия ва Финландия давлатларидан илтимосномалар тушди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳмуджон Рустамов 20 йилдирки, Тўрақўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги сут-товар фермасида механизаторлик касбини ардоқлаб келмоқда. Ушбу жамоада унга ўхшаган фидойилар талайгина. Барчасининг нияти битта: чорва маҳсулотларини янада кўпайтириш.

СУРАТДА: илғор механизатор Маҳмуджон Рустамов.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ХОРАЗМ «ЗИЛ»ЛАРИ

Москвадаги машҳур «ЗИЛ» автомобилсозлик корхонасининг шу маркадаги юк машиналари эндиликда Хоразмда ҳам ишлаб чиқарилади.

Бунинг учун Хива шаҳридаги мўъжаз ремонт корхонаси қайта жиҳозланди. Дастлабки маҳсулот — қудратли юк машиналарининг поршень ва гилзалари эса аллақачон буюртмачи ҳамда харидорлар қўлига етиб борди. ЗИЛнинг шохобчаси сифатида иш бошлаган мазкур корхона тез орада мустақил заводга айланади ва тайёр автомобилларни кўплаб ишлаб чиқариш жараёнлари ўзлаштирилади.

Корхона москвалик автомобилсозларнинг фаол кўмаги, вилоят ва республика раҳбар идораларининг моддий-техникавий мадади билан барпо этилаяпти. Яқинда бўлғуси корхона учун етарли миқдорда маблағ ажратилди. «ЗИЛ» бирлашмаси раҳбарлари эса Хоразмда бўлиб, воҳанинг қалдирғоч автомобилсозлик корхонасини тўла ва тезроқ бунёд этиш масалалари юзасидан бир тўхтамга келдилар.

Янги автомобилсозлик корхонаси Хоразм вилоятининг саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги қолоқлигини (вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш республиканинг ўртача кўрсаткичидан 2,2 баравар паст) бартараф этиш йўлида ташланган яна бир муҳим қадамдир.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАР ХОНАДОНДА 50 ТАДАН ТОВУҚ БОҚИЛАДИГАН БЎЛДИ

Шўрчи район ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Эшболта Шерматов озиқ-овқат тақчиллигини бироз юмшатиш учун ҳар хонадонда 50 тадан товуқ боқилишини таъминлаш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ҳокимият паррандага озуқа топиб беришни ўз зиммасига олди. Агар Шўрчи районида 25 мингтадан зиёд хонадон борлигига эътибор қилсангиз, ҳоким бошлаган бу тадбирнинг қандай самаралар бериши аён бўлади. Чунки халқнинг қорнини тўйдирмасдан давлатнинг омборини тўлдириб бўлмайди.

Т. РАЗЗОҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бир хат изидан

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ ТЕКШИРУВ

ЁКИ ИЖАРАЧИ АҲМАДЖОН ХОЛБЕКОВНИНГ ЧЕККАН АЗИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

1991 йили Аҳмаджон отага деҳқончилик қилиши учун Косонсой районининг «Дўстлик» давлат хўжалигидан 11 гектар ер берилди. У: «33 тонна ҳосил кўтарувдим, даромадим 25 минг 239 сўм бўлади, лекин ҳали ҳам бир тийин олганим йўқ», деб «Халқ сўзи»га шикоят ёзган.

Камина шу мактуб юзасидан А. Холбеков билан учрашди. Отахон: «Мен оилавий пудрат асосида ишлаганман», дейди. Лекин у хўжалик билан йил бошида пудрат учун шартнома тузган эмас. Чунки ўша пайтда хўжаликда оилавий пудрат жорий этилмаган эди. Ундай бўлса, нега А. Холбеков 11 гектар ердан шунча вақтдан бери фойдаланади, деган савол туғилади. Ана шу саволга жавоб топиш учун икки йилдан бери бир неча ташкилот Тошкент билан Наманган ўртасида сарсон-саргардон. Уни ечиш учун хўжалик раҳбари Болтихўжаевнинг айтишига қараганда мендан олдин 46 ташкилотдан вакил борган экан. Лекин иш ҳалигача ҳал бўлгани йўқ. Нега?

Аҳмаджон ота «Дўстлик» хўжалиги раҳбарлари айтишаётганидек, шикоят ёзишни касб қилиб олган эмас. У оддий деҳқон одам. Гарчи хатсаводи бўлмаса ҳам, деҳқончиликда унинг олдига тушадигани йўқ. Отанинг меҳнаткашлигига кўп раҳбарлар тан беришган. Ундай бўлса...

Ҳар қандай раҳбар ўзига қарашли нарсаларни иложи борича қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади. Шунданми, пудрат усули жорий қилингандан кейин, негадир хўжалик раҳбарларининг тинчи бузилди. Чунки пудрат усули қандай шаклда бўлмасин, кишида мулкка эгалик туйғусини кучайтиради. Деҳқон, агар пудрат усулида ишламоқчи бўлса, хўжалик билан шартнома тузади. Шу йўл билан у вақтинчалик бўлса ҳам маълум ҳажмдаги ерни тасарруф этади. Хўжалик ёки бригаданинг юз гектар ери бор, дейлик. Уни ўнта пудратчи ўн гектардан бўлиб олса, хўжалик раҳбари ёки бригадир кимга бошчилик қилади? Чунки, барча ҳисоб-китоб пудратчининг қўлида бўлади-да. Бу усул, шубҳасиз, баъзи раҳбарларга ёқмаслиги табиий. Шунда улар иложи борича пудратчининг «попугини пасайтириб қўйиш»га интилишади. Борди-ю, у Аҳмад отадай ҳалол, ҳеч нарсага кўнмайдиган ва «қайсар» пудратчи бўлса-чи. У ҳолда бошида ёнғоқ чақилди, деяверинг.

Ўша кезларда А. Холбеков район газетаси мухбирининг саволига шундай жавоб қайтарганди: «1988 йили оилавий пудрат асосида ишлаш учун ўн гектар ер олдим. Унинг икки гектари пахта экиш учун яроқсиз экан. Шундоқ ёнгинамдаги пудратчига эса 30 гектар ўрнига 53 гектар ер беришди. Сабаби нима, деб суриштирганим учун бригада бошлиғи Турсунхўжа Дадахонов билан орамизга совуқлик тушди».

А. Холбеков бундан анча йил олдин яхши ният билан ташландиқ ердан ярим гектар жой олиб боғ ҳам қилмоқчи бўлувди. У ерда дарахт кўкартиришнинг ўзи бўлмасди: от-уловда сув ташиди. Қараса, унинг ёнида яна икки гектар ер бўш ётган экан: тут экди. Ўша тутзор бир неча йилдан бери хўжаликка катта даромад келтираяпти.

А. Холбеков обод қилган боғ ҳосилга кира бошлаганидан кейин уни хўжалик ҳисобига ўтказмоқчи бўлишди. У аввал кўнмади. «Бўлмаса ҳосилини хўжаликка топширасиз», дейишди. Ноилож рози бўлди. Лекин ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир деганларидай, талон-тарож бошланиб кетди. Ота эса бунга чидаб туролмади: республика ва вилоят раҳбарларига ёзди. Текширишди. Адолат бор экан: масала ҳал бўлди. Вилоят агросаноат уюшмаси ходимлари Т. Ҳамдамов ва Ҳ. Неъматовнинг отахон аризаси юзасидан 1990 йил июль ойида ўтказган текширув хулосаси қуйидагича якунланди: «1. «Дўстлик» давлат хўжалиги маъмурияти А. Холбековнинг хусусий мулки бўлган 0,15 гектар ерини 1989 йил ноқонуний йўл билан А. Набиев бошлиқ бригада ерига қўшиб берган...»

Аҳмаджон отанинг хат-саводи йўқ. Шунданми, ишнинг расмий томонига унчалик тушунмайди. Айрим раҳбарлар эса иш билмаса ҳам лекин қоғозга уста экан. Шунинг учун 47-марта текширилаётган бўлса ҳам, А. Холбеков даъволари тасдиқ топилмаяпти: ҳар гал хўжалик ҳақ бўлиб чиқаяпти. Уни ечиш учун оддий инсоний муносабат бўлса кифоя. Бир томон баланд келганда, иккинчи томон паст келса, биридан ўтган камчиликни иккинчиси кечирса, ким-кимни йиқитади ёки сен зўрми, мен зўр қабилидаги муносабатларга ўзил-кесил чек қўйилса, олам гулистон, деяверинг. Шунда хўжалик раҳбари ҳам, ижарачи ҳам тинчиб қолган, текшир-текширу ёза-ёз балосидан икки томон ҳам халос бўлган бўлар эди.

Халқимизда «Катта одам — кўприк», деган нақл бор. Хўжалик раҳбари А. Болтихўжаев кўприк бўлолмаган экан, наҳотки Косонсойда кўприк бўла оладиган бирорта зот топилмаган бўлса? Агар «қайсарлик»ларга қайсарлик билан жавоб бериш давом этар экан, текширувчилар сони ҳадемай юзтага етиши, ҳеч гап эмас. Наҳотки уни Косонсой ёки Наманганда ҳал қилишнинг иложи бўлмаса. Шуни деб юзлаб кишилар Тошкент билан Наманган орасида сарсон-саргардон бўлиб юришаверадими?

Исмат ХУДОЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАЗОВИЙ ЙЎЛДОШ ТОШКЕНТЛИК ТИББИЁТЧИЛАРГА ИЛЛИНОЙЗ УНИВЕРСИТЕТИ КУТУБХОНАСИНИНГ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шимоли-ғарб госпиталига бир ой, уч ой ва олти ойгача малака оширишга юборадиган бўлдик. Улар учун зарур бўлган барча сарф-харажатларни Америка Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ўз зиммасига олган. Юборилажак мутахассисларимиздан фақаттгина инглиз тилини мукаммал билишларни талаб этилади. Тажриба ўрганиш учун ўқув-методик ишларни яхши биладиган ходимларимизни жўнатишни мўлжаллаб турибмиз.

Ўз навбатида яқин кунларда Америка томонидан ҳам бир гуруҳ врач-мутахассислар келишиб, шифокор ва ўқитувчиларимиз билан суҳбат ўтказиб, имконлари даражасида амалий ёрдам беришади. Шунингдек, клиникамизнинг туғруқхона бўлимини америкача усулда қайта таъмирлаш ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатишга келишилди. Бунинг учун лозим бўлган барча сарф-харажатларни ҳам улар ўз зиммаларига олишди.

Яна бир муҳим янгилик шундаки, америкаликлар тез орада институтимизда электрон ускунани ўрнатиб беришмоқчи. У ишга тушгач, биз фазовий йўлдош орқали Иллинойз университети кутубхонасидаги тиббий адабиётлардан бемалол фойдаланишимиз имкони туғилади.

— Америкадаги тиббиёт мутахассислари тайёрлаш усули биздагидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Биласизми, уларда шифокорлар тайёрлаш анча узоқ вақт давом этади. Бўлғуси врач ўрта мактаб ҳамда тўрт йиллик коллежни тугатгач, яна тўрт йил давомида тиббиёт университети қошидаги махсус коллежга кириб ўқийди. Ана шундан сўнггина тўрт йиллик резидентура босқичига ўтилади. Бу бизнинг клиник ординатура, интернатура деган ўқитиш босқичларига ўхшаш бўлиб, фақаттгина тиббий билим берилади. Шунга яраша, медицина ҳам юқори даражада ривожланганлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, Америкада интенсив даволаш яхши йўлга қўйилган.

— Демак, уларнинг тиббий таълим тизимидаги баъзи жиҳатлари ўзлаштирилса, фойдадан ҳоли бўлмас экан-да?

— Ҳа, албатта. Лекин бир нарсани алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бу йилги ўқув йилидан бошлаб, бизнинг институтимиз ҳам кўп босқичли таълим тизимига ўтди. Натижада бундан буён етишиб чиқадиган мутахассисларимиз ўз касблари бўйича яна-да чуқур билим олишларига ишончимиз комил. Америкада эса бу усул юз йилдан кўпроқ вақт давомида қўлланилиб, юқори самара бериб келмоқда. Талаба билимини тест синовлари орқали баҳолаш ҳам билимдон шифокор тайёрлашнинг асосий мезонларидан биридир. Мазкур ўқув йилидан эътиборан институтимизда ҳам барча синов ва имтиҳонлар тест билан алмаштирилди.

Суҳбатни Ғафур ШЕРМУҲАММАД олиб борди.

• *Сирдарё янгиликлари*

БОЕВУТЛИК УЧ ПОЛВОН

ГУЛИСТОН ўйингоҳида Фарғоначa усулда миллий кураш бўйига республика биринчилиги бўлиб ўтди. Умумий ҳисобда Сирдарё вилояти полвонлари фарғоналиклардан сўнг иккинчи ўринни эгалладилар. Шахсий ҳисобда М. Эгамбердиев, О. Турсунов, Д. Холназаровлар чемпион бўлишди. Ҳар уччала полвон боёвутлик мураббий Қудрат Турдиевнинг шогирдларидир.

ҲАДЕМАЙ ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ БЎЛАДИ

БУГУНГИ иқтисодий таназзул даврида янги уй эгаси бўлиш ҳазил гап эмас. Лекин Гулистон пахта тозалаш заводи раҳбарияти ҳар қандай вазиятда ҳам жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш имкониятини топаяпти.

Вилоят марказида қад кўтарган иккита кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Демак, пахта тозаловчилардан 64 нафари ҳадемай уй тўйи ўтказади.

ДУСТ БИЛАН ОБОД ЎЙИНГ...

БОЕВУТ туманидаги Ленин номли жамоа хўжалигида Тожикистоннинг Зафаробод туманидаги «Сўғдиёна» давлат хўжалиги вакиллари меҳмон бўлиб келишди.

Ташрифдан мақсад икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш ва биродарлик борди-келдисини доимий анъанага айлантиришдир.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

МАТБУОТ АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

МУШУК БИЛАН ИТНИНГ «ТАБИБЛИК» ХИСЛАТИ

ОЛМОНИЯЛИК врач Михаэл Фокс мушук ва итларни силаш инсон саломатлигига фойдали деган даъво билан чиқди.

ФОКСНИНГ таъкидлашича, физиологиявий тадқиқотлар шуни кўрсатганки, ўзининг севимли уй жонворини силаган кишининг қон томири уриши пасаяди, ҳарбийлик чекинади, ҳатто, овқат ҳазм бўлиш жараёни яхшиланади.

Уй эгаларининг ўзлари ҳам кўп кузатишганки, мушуклар «хўжайин»лари беморлигини сезиб кўп суйкаладилар, ёнма-ён ётадилар. Бу пайтда бемор оғриқ чекинганини сезади.

БЕШ ЁШЛИ... «ҲАЙДОВЧИ»

ОМСК кўчаларининг бирида «КамАЗ» юк машинаси милициянинг «Вольво» автомашинаси билан тўқнашиб кетди.

ЮК машинасининг кабинасида қаровсиз қолдирилган беш ёшли боланинг «шофёр-шофёр» ўйнагиси келиб қолиб, моторни ўт олдиради, машина ўрнидан қўзғолади, аммо бола «ёшлик» қилиб, нарироқда йўл четида турган «Вольво»ни айланиб ўтишнинг уддасидан чиқолмади. Хайриятки, тўқнашувдан ҳеч ким жабрланмади.

СИГИРНИНГ ҲАМ СЕРПУШТИ БЎЛАРКАН

БОШҚИРДИСТОНДАГИ «Россия» жамоа хўжалигида «Дочка» лақабли сигир бир варакайига учта бузоқ туғди.

СИГИР серпуштлиги устига серсут ҳам экан. Уччала бўзоқ дуркун ўсаяпти.

Аммо Свердловск вилоятининг Невянск шаҳридаги хонадонлардан бирида туғилган ғалати бузоқ узоқ яшай олмади. Балки, икки бошли бўлиб туғилгани сабаблидир? Ҳар ҳолда кўпни кўрган қариялар ҳам ёқа ушлашдан бўлак тайинли фикр айтолмадилар.

СЕМИЗЛАР КУПАЙИШИНИНГ САБАБИ

КЕЙИНГИ пайтда Калинск-Уралск шаҳрида семиз одамлар кўпайиб кетди.

ВРАЧЛАР бу воқеани турмуш даражасининг пасайганлиги билан боғламоқдалар. Уларнинг фикрича, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллашгани сари одамларда кўзи очлик кучаяди. Натижада бу тоифа одамларда имкон туғилганда тўйиб ейишга уриниш бошланади.

ҚУЁННИ ҚУРҚОҚ ДЕМАНГ

ОЖИЗ жониворлар сирасига кирувчи қуённинг ягона халоскори унинг чаққон оёқларидир. Ҳар ҳолда биз шундай деймиз. Аслидачи!

ДАҲШАТГА рўбарў келганда нотавон қуён ҳам тажовузкорга айланаркан. Бир куни йирик бойўғли қуён гўштини татиб кўрмоқчи бўлди. Қўққис ҳужумдан даҳшатга тушган қуён чалқанча ётиб олиб, олдинги оёқлари билан душманни шундай савалай кетдики, бечора (!) бойўғли базўр қочиб қутулди. «Труд» газетасининг ёзишича, тасодифан юз берган жангда қуённинг итни ҳам қочирганини одамлар ўз кўзлари билан кўришипти.

НЕГА ФАҚАТ ҚИЗЛАР ҲУШДАН КЕТИШЯПТИ?

ҚОҲИРАДАГИ мактаблардан бирида бир йўла 308 қиз бола бир вақтда ҳушдан кетиб йиқилди.

КЕЙИНЧАЛИК бу ғайриодатий ҳодиса Бухайр ва Шарқия губерниялариданги мактабларда ҳам юз берди. Ўғил болаларни тинч қўйиб, фақат қизларнинг ҳушини учирайтган бу сир-синоат кўп ваҳималарга сабаб бўлди. Тиббий таҳлиллар ҳеч қандай хулоса бермади.

Саросималик кучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳукумат ишга киришди. Эксперт комиссияси тузилди. Ҳарбий идора воқеа содир бўлган жойга ўз мутахассисларини юборди.

ШТАТНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ЭНГ ОСОН ЙЎЛИ

ЛИСВЕНСКДАГИ «Привод» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари бундан буён бевосита иш жойларида ичкилик ичишлари мумкин.

ЗАВОДНИНГ ҳамма ошхоналари ва буфетларида алкоголли ичимлик пайдо бўлди. Аммо машинасозлар завод маъмурияти фавқулодда яратиб берган бу қулайликдан фойдаланишга шошилмаяптилар. Балки бу ерда штатларни қисқартиришга тайёргарлик кўрилаётгани ишчиларни сергаклантиргандир...

АНТИҚА БЕМОР

БИР ХИРУРГ оёғи лат еган кучукчани кўчадан топиб олиб, уйида уч кун даволагач, қўйиб юборди.

КУЧУКЧА то оёғи бутунлай соғайиб кетгунча, ҳар куни эрталаб хирургникига келиб турди. Орадан бир неча ой ўтгач, ўша кучук яна пайдо бўлди. Аммо бу сафар шеригини ҳам бошлаб келганди. Хирург қараса, бу кучукчанинг ҳам оёғи лат еган экан. Врач кучукчанинг оёғини даволашга киришди.

ТУЛКИНИНГ МАККОРЛИГИ

ТОВУҚХОНАГА ўғирликка тушган тулки паррандабоқарнинг зарбасидан ерга қулаб, қимир этмай қолди.

АЕЛ киши эмасми, бу ҳолни кўрган товуқбоқар қўрқиб кетди ва қўшниси бўлган натуралист Юрий Новиковни ёрдамга чақирди. Улар товуқхона эшигини очишлари билан тулки ташқарига ўқдек отилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Товуқбоқар шундагина билдики, тулки маккорлигини қилиб, ўзини ўликка солиб ётган экан.

МЕРИЛИН МОНРО ХРУШЧЕВНИНГ КУНГЛИНИ ОЛГАНМИ?

МРБ хабарчилари Мерилин Монро коммунистларнинг айғоқчиси бўлиб, бир вақтлар КГБ учун ишлагаанлигини аниқладилар.

УНИ Жон ва Бобби Кеннедиларнинг ортидан айғоқчилик қилиш учун ёллаган эканлар. Бу машҳур актриса Никита Хрушчёв билан ўн бир марта (шундан тўрт мартаси афтидан, тўшакда) учрашган дейишади. Ҳатто, бир учрашув 32 соат давом этибди.

Хабарчи махфий архивга ишора қилиб, «Биз аниқлаган нарса урушдан кейинги бутун Америка тарихини қайта кўриб чиқишга ундайди» деди.

1500 МАРКА ТЎЛАСАНГИЗ...

● Тўрт йил бурун Бирлашган Германиянинг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири Берлиннинг 2000 йилда Олимпиада ўйинларни пойтахтига даъвогар эканини биласиз.

Берлинда Олимпиада ресторанлари эгаларининг клуби тузиладиган бўлди. Уюшмага аъзо этиб қабул қилиш шартлари ҳам оддий: 1500 марка бадал тўлаб, «Олимпиада таомлари» учун махсус таомнома тузсангиз бас. Қандай таом пиширишингизни истироҳатхона хўжайини белгилайди. Шуниси аниқки, таом «тоза пиширилиши, меъёрдаги қувватга эга бўлиши керак».

Олимпиада ресторани деб аталадиган табаррук номга эга бўлганлар рўйхати шу йил 23 сентябрда, яъни 2000 йилги Олимпиада ўтказиладиган шаҳар номи аниқланадиган кунда эълон қилинади.

• *Депутатлик ҳаловат эмас*



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ— БАХТ КАЛИТИ

Учкўприк районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари республикамиз мустақиллигининг иккинчи баҳорида 990 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар майдондан режадаги 32 ўрнига 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш ниятидалар. Катта хирмон ишқида астойдил ишлаётган миришкор деҳқонлар сафида Раҳмонназар ака Ҳолиқов ҳам бор.

Очиқ юзли, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган бу меҳнаткаш инсон 11 йилдан буён бригадага етакчилик қилади. Бригада деҳқонлари ўтган йили 60 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, 6 миллион сўм даромадга эга бўлишди. Далада ишлаётганларга 2 миллион 675 минг сўм қўшимча пул тарқатилди. Ҳар бир сўм учун 2 сўм 27 тийиндан қўшимча ҳақ тушди. Бригададаги сувчилар йил якунида 100 минг сўмдан ошириб пул олишди. Булар, албатта, ҳамжиҳатлик билан ишлашнинг, омилкорлик билан иш юритишнинг шарофатидир.

Эл-юрт олдида юзи ёруғ бу тадбиркор деҳқон экинтикин мавсуми олдидан бўлиб ўтган жумҳурият пахтакорлар кенгашида иштирок этди.

— Кенгашдан сўнг республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бир гуруҳ қишлоқ хўжалик ходимларини қабул қилдилар, — дейди Раҳмонназар ака. — У киши бу учрашувдан кўзлаган мақсадларини баён қилиб, деҳқоннинг ўзи билан бевосита гаплашиш, йил бошиданоқ кўзлаган режалар, мавжуд муаммолар хусусида фикрлашиш ниятида эканликларини билдирдилар. Кутилмаганда менга ҳам сўз бериб қолишди. Бироз ҳаяжонландим. Ўзимни босиб олгач, Президентимизга маҳалламиз меҳнаткашларининг, оқсоқолларининг саломини етказдим. Халқимиз сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам изчил иш олиб бораётган ҳукуматимиз раҳбариятини астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини, кўпчилик ҳозирги оғир кунлар ўтиш даври қийинчиликлари эканлигини, Ўзбекистон дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторидан албатта жой олажагига ишончлари комил эканлигини билдирдим.

Экиш мавсумини барвақт якунлаган Раҳмонназар ака бошлиқ бригада аҳли шу кунларда гектарлар бутлигига эришиш, дастлабки ишловни сифатли ўтказиш, кўзланган маррага лойиқ ҳосил етиштириш мақсадида астойдил ишламоқдалар. Ғуломназар Бобохўжаев, Меҳмонали Қудратов, Юнусали Мамажонов, Равшаной Фозилова сингари дала зҳматкашлари қўлни қўлга бериб, аҳиллик билан юқори ҳосил пойдеворини яратишмоқда.

Раҳмонназар ака район Кенгаши нойби сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Шўх қишлоғида чойхона барпо этиш, қишлоқларни табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш каби кўплаб савобли ишларда бу тиниб-тинчимас депутатнинг ҳиссаси катта. Юрт осойишталигини таъминлаш, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларимизни тиклаш соҳасида ҳам Раҳмонназар ака нойб сифатида жонкуярлик билан фаоллик кўрсатаётир.

Меҳнат қилган ҳеч вақт ноумид қолмаслигига ишонган, ҳалол меҳнатни бахт калити деб билган Раҳмонназар ака сингари кишилар бор экан, жумҳуриятимиз, албатта, юртбошимиз айтганидек, буюк давлат бўлиши тайин.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ.
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: бригада етакчиси Раҳмонназар Ҳолиқов механизатор Юнусали Мамажонов билан дастлабки ишловни сифатли ўтказиш ҳақида маслаҳатлашаётган пайт ҳамда биринчи ишлов жараёни акс этган.

Суратлар муаллифники.

• *Қадриятларимиз*

ТАРИХИЙ ЁЗУВЛАРИМИЗ— ЎТМИШИМИЗ КЎЗГУСИ

Халқимизнинг тарихий-маънавий, маданий меросини ўрганишда бизгача етиб келган археологик, меъморий ва санъат ёдгорликлари, асотирлар ва фольклор манбалари, этнографик ва тарихий обидалар билан бир қаторда ёзув ва ёзув маданияти ёдгорликлари ҳам улкан аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё халқлари ёзув тарихини фақат араб хатига боғлаб ўрганиш ҳам илмий, ҳам методологик жиҳатдан ўзини оқламайди. Мабодо, шу тарзда ёндошиладиган бўлса, Ўрта Осиё халқларининг адабиёти, адабий тил масалалари, ёзув тарихи, қолаверса, халқ тарихи араб истилосидан кейинги даврга боғланиб қолади. Гўё бу заминда адабиёт ҳам, ёзув маданияти ҳам араб истилосидан кейин ривожланган деган қараш пайдо бўлади. Тўғри, ёзма меросни ўрганишда араб хати ва унда битилган обидаларнинг ўрни беқиёс. Бироқ, исломдан бурун ҳам аждодларимизнинг бир қатор такомиллашган ёзувлари бўлган. Турон заминида чин маънодаги нутқ товуши ва белги мувофиқлигига асосланган ёзувларнинг шаклланиш ва қўлланиш тарихи 2500 йиллик даврни ўз ичига олади. Улар устида иш олиб бориш учун манбалар етарли ва улар аждодларимизнинг ўша замонларда ҳам юксак адабиёти, ривожланган тили ва маданияти мавжуд эканлигидан далолат беради.

Турон, Марказий Осиё ўлкалари инсоният ёзув маданиятининг ўша энг қадимий ўчоқларидан биридир. Ёзув ҳар қандай миллат, халқ ва элат, қолаверса, турли даврларда ўтган салтанатлар маданий ҳаётининг муҳим унсурларидан бири бўлиб келган. Шу маънода ёндашсак, Қадимги Миср, Икки дарё оралиғи илк давлатлари, олд Осиё қадимий салтанатлари 5—3 минг йиллар аввалдаёқ ўз ёзувларини яратиб инсоният тафаккури меваларини масофа ва замонлар оша узатишга қодир бўлдилар. Айни шу жараёнда Туронзамин халқлари аждодларининг ҳам улкан ҳиссаси борлиги ҳақли равишда ўлкамиз халқларига фахр ҳисси бағишламоғи керак.

Бу замин алифболи нутқ товуш ёзувлари орасида «Иссиқ қўрғони ёзуви» номи билан машҳур бўлган ёдгорлик алоҳида диққатга сазовор. Иссиқ ёдгорлиги милоддан олдинги 1 минг йиллик ўрталарига оид қадимги қабр қўрғони бўлиб, унинг ёши 2500 йил атрофида деб топилган. Ундан чиққан ёзув шаклан қадимги туркий битигларга яқин. Лекин мана салкам 20 йилки, бу ёзувнинг тўла ишончли ўқилиши ва изоҳи яратилгани йўқ. Муҳими шундаки, Иссиқ қўрғони ёзувига айнан ўхшаш, лекин ҳали ўқилмаган кичик битиглар, уларнинг парчалари Туркистон тупроғининг қатор жойларидан, хусусан, Сурхон воҳаси, ҳозирги Афғонистон ерларидан ҳам топилган. Бу шуни кўрсатадики, Иссиқ ёзуви (ва унинг, эҳтимолки, айрим маҳаллий кўринишлари) қадимда туронзаминда кенг тарқалган экан. Бунинг яна бир исботини археолог Э. В. Ртвеладзе топган Иссиқ ёзуви кўринишига яқин, лекин ҳали ўқилмаган қадимий битиг парчаларида ҳам кўриш мумкин.

Ёзув маданияти тарихининг серқирралигини яна бир ҳодиса яққол кўрсатди, десак ката бўлмас. Яқинда Тошкент университети тарих факультети талабаси Турғун Раҳимқулов Деҳқонобод туманининг Чашми Мирон қишлоғида бир сопол кўзачанинг фотосуратини бизнинг Қўлёзмалар институтига келтирди. Илк бор ўрта аср шаклларини эслатувчи кўзача сиртида қадимги туркий ёзувга ўхшаш битиг излари кўринади. Ўқиб кўришга дастлабки уринишлар айрим тахминлар қилишга имкон берди, холос. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, Туркистонимиз қадимий ёзувларининг туб жойга мансуб асл турларини ўрганиш иши ҳали олдиндаги вазифадир. Агар бу илк туроний ёзувнинг пайдо бўлган даври илк туркий давлатчилик асослари яратилган милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида эканлигини эслатсак, ёзувнинг ижтимоий-тарихий ўрни ва зарурий тарихий шароитларини тушуниш қийин бўлмайди. Биз «ёзувлар» деб бежиз айтмаяпмиз. Чиндан ҳам аждодларимиз тубжой қадимий ёзувидан ташқари илғор ёзув маданияти ўлкаларининг таъсири остида қатор мустақил маҳаллий ёзув тизимларини яратишган. Булар орасида суғд, хоразмий, парфиёний, бохтарий, манавий, сурёний, кхарта-рошхий, брахми, уйғур-туркий, авесто ёзуви, паҳлавий ва бошқалар бор. Яна муҳим ўрни шуки, бу ёзувларнинг кўпчилиги узоқ тарихий биродарлик, бирга яшаш ва қўшничилик асосида туркий ва эроний тилли халқлар ҳар бирининг тили учун бирдай амал қила олиш даражасида муштараклик касб этган. Масалан, суғд ёзувидан суғдлар ўз тиллари учун, туркларнинг ўз тилларида ёзилган матнлар учун фойдаланишган.

Суғд ёзувида милоддан аввал II милодий VIII аср ўрталарига мансуб минглаб тангалардан битиглар етиб келган. Сопол буюмлар, сиртидаги кўплаб битиглар ҳам хўжалик-иқтисодий масалаларни акс эттирган. Булардан ташқари бу ёзувнинг юзлаб ёдгорликлари милодий II асрдан XI аср бошларигача турли жойларда қоя ва харсанглар сиртига хотиралар сифатида ёзиб қолдирилган. Бундай ёдгорликларнинг тарқалиш географияси жуда кенг бўлиб, бир ёғи Покистону бир ёғи Еттисув ўлкаси ва Талас водийси, бир ёғи Мўғилистону бир ёғи Марв воҳасигача ёйилгандир.

Хоразм ёзуви ёдгорликлари ҳам ўзича бир дунё. Улар қадимги Хоразмда яшаган аждодларнинг ижтимоий турмуши маиший аҳволи, маданияти, мафкураси, адабий-бадиий тафаккури ҳақида талай маълумотлар беради. Шундай ноёб асл манбалар бўла туриб уларни ишга сололмаётганлигимиз туфайли Турон замин ўлкалари тарихининг кўплаб саҳифаларини холису нохолис чет манбалар бўйича тасаввур қилишга одатланганмиз.

Аждодларимиз қўллаган ёзувларидан яна бири туркий-уйғур хатидир. Мазкур ёзув ўз асосини суғд хатидан олади ва у орқали қадимий алифболардан бўлмиш Оромийгача бориб туташади. Ёзма манбалар унинг суғдий негизда эрамизнинг тахминан VI — VII юз йилликларида шаклланганидан далолат бермоқда. Уйғур хати қадимги суғд ва туркларнинг ўзаро маданий муносабатлари натижаси сифатида юзага келди. Чамаси XII — XIII асрларга келиб суғд отли эл ва унинг тили тарих саҳифаларидан «ўча бошлади». Лекин суғдий маданият йўқолиб кетганича йўқ: суғдлар ёзуви уйғур хати шаклида давом этди; асрлар оша тўпланган маданияту маънавият ўзбек ва тожикларга мерос қолди.

Уйғур ёзувли битиглар араб хатидан бурунги обидалар орасида кўпроқ сақланган. Бунинг боиси турклар араб ёзувини қабул қилганларидан кейин ҳам анча муддат уни қўлладилар. Уйғур хати Ўрта Осиёда XV аср охирларига қадар арабий билан ёнма-ён амал қилди. Турфонлик турк-буддачилар эса XVIII асрда ҳам ундан фойдаландилар. Диқкатга лойиқ ери шундаки, уйғур хати ўз тарихий босқичларида, ҳатто араб алифбоси билан ёнма-ён қўлланилган чоғларда ҳам, турк давлат ва салтанатларининг асосий ёзуви бўлиб келди. Қорахонийларда ҳам Олтин Ўрда давлатида, темурийларда ҳам уйғур хати етакчи эди, Темурийлар даврида Моваройннаҳр ва Хуросонда қадимги турк ёзув анъанаси давом этибгина қолмай, уйғур китобат-хаттотлик санъати беқиёс гуллади. Яъни, Ҳирот, Самарқанд маданий марказларида уйғур хатида битувчи хаттот (бахши)лар мактаблари ҳам вужудга келди.

Бизга қадар сақланган уйғур ёзувли обидаларнинг энг эскиларида туркларнинг исломдан аввалги ишонч-эътиқоди, адабиёти, маданияти, тарихи ўз изини қолдирган. Монийликнинг юнунч битиги «Хуастуанифт», буддачиликнинг «Майтри симит» отли драматик асари ёки афсонаю ривоятларни ўзида жамлаган «Олтин ёруғ», VII асрда яшаб ўтган тавғач сайёҳининг кўрганкечирганларини баён этувчи «Сюанъцзанинг кечмиши» каби ўнлаб сутраю нўм битиглар (муқаддас китоблар) Турон заминидан топилган шеърий парчалар шулар жумласидандир. Булар тўҳри (тоҳар), тавғач (хитой), суғд тилларидан ўгирилган бўлиб, ўша давр турк адабиётида, кўк турк адабиётидан фарқли ўлароқ таржимачилик етакчи ўрнига чиққанлигидан далолат беради. Ўз навбатида, бу жараённи ўзбек адабиёти тарихининг бир босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман айтганда, қадимий ёзма меросни чуқур ва атрофлича ўрганиш халқимиз маънавий дунёсини яна-да бойитиши шубҳасиз.

Аждодларимиз ёзувлари тарихининг кўп жиҳатдан ҳали мукаммал ўрганилмаган исломгача қадимий даври масалаларини изчил тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди. Шу заруратдан келиб чиқиб, Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институтида бундан ўн уч йил муқаддам институт директори А. Қаюмов ташаббуси билан Ўрта Осиё халқларининг қадимий ёзувлари ва уларда битилган ёдгорликларни ўрганиш бўйича илмий йўналиш бошланган эди. Кейинчалик у бўлимга айлантирилди. Бўлим олдига исломгача даврёзувларида битилган битиглар тарихий-филологик жиҳатдан ўрганиш мақсади қўйилган. Ҳозирги кунда бўлимда суғд ёзуви ёдгорликлари, хоразмий битиглари, қадимги туркий ўрхун-энасой ва уйғур ёзувли манбалар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Институт фаолиятида бу йўналиш муҳим тадқиқот соҳалари ҳисобланади. Ўтган давр ичида мазкур ёзма ёдгорликлар бўйича кўзга кўринарли илмий тадқиқотлар бажарилди. Хусусан, суғд ўрхун-энасой ва уйғур ёдгорликлар бўйича монографик ишлар ёзилди. Лекин бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Биринчи галда ёдгорликлар бўйича чуқур илмий тадқиқотларни давом эттириш, қолаверса, кўп сонли қадимий битигларимизни ҳозирги тилга ўгириш, мукаммал нашрларини тайёрлаш ва ниҳоят, тадқиқот натижаларини оммалаштириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари бўлим олдида аждодларимизнинг ҳали ўрганилмаган ёзувларини тадқиқ этиш вазифаси ҳам турибди. Чунончи, қадимги Хоразмий ёзуви ҳам ана шундай ўрганилмаган соҳа. Ҳозирги кунда мазкур ёзувнинг тарихи, ёдгорликлари устида махсус тадқиқотлар бошланган.

Кейинги йилларда омма орасида қадимий ёзув маданиятимиз, хусусан араб хатига катта эътибор берилаётган ва у мактабларда, билим юртларида ўрганилаётгани олқишга сазовор, фарзандларимиз аждодлар ёзувини яхши билса бу фойдадан холи эмас албатта. Токи улар эртага боболаридан қолган ёзма ёдгорликларни асл ҳолича ўқисинлар. Лекин бўлажак филолог ва тарихчилар олдига бу соҳада жиддий вазифалар қўйилмоғи керак. Улар кенг оммадан фарқли равишда араб ёзувидан ташқари бой қадимий ёзувларимизни, уларнинг ёдгорликларини ҳам билишлари зарур. Чунки айрим филолог ва тарихчилар қадимий мерос ва бизнинг замонамиз орасида кўприк бўлмоқлари керак. Бунинг учун араб хатидан аввалги ёзувлар олий ўқув юртлари филология ва тарих факультетларининг ўқув дастуридан ўрин олса мақсадга мувофиқ бўларди.

Аждодларимиз ёзувлари хилма-хиллигининг ўзиёқ уларни тадқиқ этиш йўналишлари хилма-хиллиги демакдир. Шунинг учун ушбу соҳа учун мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлашга жиддий киришиш зарур бўлмоқда. Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар тилшунослик, тарих, шарқшунослик, адабиёт институтлари, етакчи университет ва педагогика олий таълими даргоҳлари филология ва тарих факультетларининг имкониятлари бирлашса ва мувофиқлашса яқин келажакда ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Илмий муаммолар кўлами эса ҳар қандай ҳайрли уринишни тўла оқлайди.

Кеча Қўлёзмалар институтида исломгача даврёзувларини тадқиқ этиш муаммоларига бағишланган илмий кенгаш ўз ишини бошлади. Кенгашда бу соҳада иш олиб борилаётган республикамиз мутахассислари, қўшни туркий мамлакатлардан таклиф этилган олимлар ўз маърузалари билан қатнашмоқда. Унда олиб борилаётган тадқиқотлар баҳоланибгина қолмай, келажакда шарқшуносликнинг бу муҳим соҳасида қилинажак ишлар маслаҳатга солинади ва мувофиқлаштириб олинади. Бу тадбирларнинг бари Ўзбекистонда қадимий ёзма ёдгорликларни ўрганиш илмий истеъфодага киритиш ва оммалаштириш бўйича ишларимизнинг узвий қисмидир.

М. ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори.
Қ. СОДИҚОВ,
филология фанлари доктори.

БИР ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

РАҚҚОСАЛАР БАҲСИ

ЎЗБЕК халқининг атоқли санъаткори Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Яқинда рақс маликаси хотирасига бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан рақҳосалар иштирок этдилар. Якка рақс бўйича оқолтинлик Муҳаббат Шарипова ғолиб деб топилди. Энди у Тошкентда ўтказиладиган танловда иштирок этади.

ЗАМОНАНИНГ ЗАЙЛИ

НАВОИЙ цемент заводи ижтимоий муҳофазага катта эътибор бераяпти. Корхонада ҳар бир ишчига ойига 2 минг сўм овқат пули берилаётганига анча бўлди. Яқиндан бошлаб цементчилар дори-дармонларни ҳам текин олишмоқда. Харажатларни завод ўз ҳисобидан тўламоқда.

Замоннинг ўзгаришини қаранг. Ҳатто социализм даврида ҳам бунақа ғамхўрлик бўлмаганди.

ШВЕД САМОСВАЛЛАРИ ҚИЗИЛҚУМДА

ШУ йилнинг ўзида Мурунтов автохўжалиги 20 га яқин швед самосваллари билан тўлади. Бу машиналарнинг ҳар бири 170 тонна юк кўтара олади. Ҳозирча «паҳлавон» машиналардан 4 таси келди. Қолганлари йил охирига қадар етказилади.

ТОШКЕНТ БЎЛМАСА, КАРМАНА-ДА

НАВОИЙ район «Навоий овози» газетаси район ҳудудида яшаб ижод қилаётган бир гуруҳ шоир ва ёзувчиларнинг энг яхши асарларини жамлаб, китоб ҳолида нашр эттирди. «Юрақдаги сўз» деб номланган китобни муаллифларнинг ўзлари сотувга чиқарадилар.

Муҳими бу эмас. Китоб чиқазаман деб Тошкентга қатнайверib, туфлиларини тўзитган шоирларнинг орзулари амалга ошди. Шу кунларда китобга талабгорлар ниҳоятда кўпайиб кетди.

М. МАРДИЕВ.

• *Қўшма рейд*

НОННИНГ УВОЛИ ЁМОН-А!

Республика давлат назорати комитети стандартлаш, метрология ва сертификациялаш давлат маркази, «Ўзбексавдо» ассоциациясининг товарлар сифати бўйича давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жумҳурият санитария-эпидемиология станцияси билан биргаликда Ўзбекистон нон маҳсулотлари концерни ва «Ўзбексавдо» ассоциацияси тизимларида аҳолини нон билан таъминлаш борасида қилинаётган ишларнинг аҳволини текширди.

Дон танқислиги шароитида аҳолини ун ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда шахсан Республика Президенти ва Вазирлар маҳкамаси масъул ходимлари катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқдалар. Нон маҳсулотлари концерни ва Ўзбексавдо ассоциацияси ҳам бу масалада анча намунали ишлар қилаётир.

Кўплаб нон ишлаб чиқарувчи корхоналар қайта жиҳозланган, улардаги эскириб қолган жиҳозлар янгисига алмаштирилган, қўшимча хамир қориш машиналари, дозаторлар ва бошқа автомат агрегатлар ўрнатилган. Ҳозирги вақтда нон маҳсулотлари концерни тизимида хориждан келтирилган жиҳозлар ўрнатилган 25 кичик корхона ишлаб турибди. Уларни қуриш ишлари яна давом эттирилаяпти. Чунки, кичик корхоналарнинг йирикларига нисбатан бирмунча афзалликларини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Корхоналар қошида очилган «Иссиқ нон» билан савдо қилувчи дўконлар сони 35 тага етди.

Текширишда қилинган яхши ишлар билан бир қаторда нон маҳсулотлари концерни ва унинг нон ишлаб чиқарувчи корхоналари ишида хато ва камчиликлари оз эмаслиги аён бўлди.

Қатор корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнига риоя қилинмайди, нонларнинг сифати паст, уларнинг оғирлиги ҳам стандарт вазндан 10—12 фоиз кам. Савдо корхоналарига нон келишиб олинган вақтда етказиб берилмайди. Уларнинг турлари тобора камайиб бормоқда, харидорларнинг айрим нонларга бўлган талаби қондирилмаяпти. Ўтган йили тандир нони концерн бўйича ҳамма ишлаб чиқарилган нон маҳсулотларининг 13 фоизини, «Тошкент нон саноати бирлашмаси» бўйича эса фақатгина 5—7 фоизни ташкил қилган.

Буни нон ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари миллий нонга талабнинг камлигида деб тушунтирмоқдалар. Ваҳоланки, шу кунларда хусусий нонвойлар томонидан фақатгина Тошкент шаҳри деҳқон бозорларида 10 тоннага яқин, ҳар бир донасининг нархи 20 сўмдан 50 сўмгача бўлган ёпилган нонлар аҳолига сотилмоқда. Маҳаллаларда ва кўчаларда сотилаётган ширмой нонлар бу ҳисобга кирмайди.

Концерн ва Тошкент нон саноати бирлашмаси томонидан корхоналарни реконструкция қилиш, уларни кенгайтириш ва техник ҳолатини яхшилаш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилмаяпти. Бу ҳол ўз навбатида маҳсулот сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Ўтган йили концерн корхоналарида назорат қилувчи ташкилотлар томонидан 27,8 тонна ёки текширилган нонинг 70 фоизи сифатсиз деб топилган. Ёрилган, куйган, пишмаган, шакли стандарт бўлмаган нон ишлаб чиқариш ҳоллари кўпроқ Навоий, Термиз, Гулистон, Тошкент шаҳридаги 2-, ва 5-нон ишлаб чиқариш корхоналарида учрайди.

Вазни стандарт вазндан 12 фоизга кам бўлган нон ишлаб чиқариш ҳоллари Бекобод, Марғилон, Гулистон, Бухоро, Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳри нон ишлаб чиқарувчи корхоналарида мавжудлиги аниқланди.

«Ўзбексавдо» ассоциацияси раҳбарлари сифатсиз, стандарт талабларига жавоб бермайдиган нон маҳсулотларини савдога жўнатганлиги ва тегишли графикларни бузганлиги учун нон ишлаб чиқариш корхоналарига ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмайдилар. Бир қатор савдо дўконларида харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти жуда паст, бўлка нонни кесиш учун пичоқ, нон танлаш учун санчқи йўқ. Нон сақлаш қоидаларига риоя қилинмайди. Савдода мавжуд маҳсулот турларининг нархи кўрсатилмаган. Нонга бўлган талаб нон ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қандай қондирилаётганини қайд қилиш китоби йўқ. Баъзан нонни устама нархда сотиш, магазинларнинг иш вақтида берк туриши ҳоллари учраб турибди.

Тиббий кўрикдан ўтмаганлиги ва санитария қоидаларига амал қилмаганлиги учун 35 та магазин ходимига санитария врачлари томонидан 14,5 минг сўм жарима солинди.

М. КОМИЛОВА,
Республика давлат назорат комитетининг бош инспектори.

• *Муштарий муаммо қўяди*

ЎЗБЕКЧА КИТОБЛАР ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

ЎЗБЕКИСТОН Президентининг бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувини ойнаи жаҳондан томоша қилиб, юртбошимизнинг ташвишланиши бежиз эмаслигига ишончим комил бўлди.

Айниқса, маънавият ҳақидаги гаплари хаёлимда ўрнашиб қолди. Тўғрида, маънавий қашшоқ одамда ғурур нима қилсин. Ундай одамларга ватан, миллат туйғуси бегона. Бундайлар истаган пайтда ўз манфаатлари йўлида пасткашлик қилишга қодирлар.

Бутун бир халқни маънавий меросдан маҳрум қилиб, усталик билан аста секин ғурурини синдириш жараёни узоқ йиллар давом этди. Қизил империянинг бу найрангларини сезганларнинг нафаси ичида эди. Пайқамаганлари ҳаёт шундай экан-да, деб қўя қолишди. Эсингиздами, бундан 20—25 йиллар муқаддам дарсликларда, ҳашаматли бинолар пештоқида пахта ўзбек халқининг миллий нфтихори эканлигини эслатиб турадиган ёзувлар бўларди. Кейинчалик қайсидир «катта»нинг хоҳиши билан «ўзбек» сўзи ўрнига «совет» сўзи қўлланадиган бўлди. Ҳеч кимдан «нега бундай бўлди?» деган садо чиқмади. Матбуотда ҳам бу борада фикр билдирилмади. Устига-устак Оврупа мамлакатлари киностудиялари маҳсулотларининг тез-тез намойиш қилиниши билан ўзга урфлар, байрамлар, бўлар-бўлмас анъаналар турмушимизга кириб келди, кундалик ҳаётимизга сингди. Мурғак болаларни ўрисча боғчага бериш одат тусига кирди. Шундай оилаларни ўзимиз ҳам уялмайнетмай, маданиятли кишилар деб атай бошладик.

Ўз навбатида меҳрибон боғча опаларимиз ҳам миллий ғурур ҳали шаклланиб улгурмаган норасидаларга халқ фахрланадиган қаҳрамонлари — Тўмарис, Қурбонжон Додхо, Широқ, Муқанна, Кумушбиби, Ойбарчин тўғрисидаги қўшиқлар ўрнига «Қўғирчоғим Наташа» сингари шеърларни ўргатишди. Бунинг замирида нима ётгани билан ишимиз бўлмади.

Ўзга халқ маданиятини, музика асбобларини, оҳангларини, адабиётини камситиш фикридан йироқман. Шу давр мобайнида болаларимиз пианинода (дутор, рубоб, ғижжакда эмас) ижро этилган мусиқаларга жўр бўлиб куйладилар, рақсга тушдилар.

Икки ойча бурун қашқадарёлик Сурайё исмли дугонам Тошкентдаги сингли-синникига келганда, кўришиб, суҳбатлашиб қолдик. Дугонамнинг ширин, жажжи қизчасини тиззамга олиб ашула айтишни биласанми, дея сўрашим билан ўша кашаҳўр қўғирчоқни куйлай кетди.

Бу ҳам майлига. Яқинда Беруний маҳалласидаги танишимизникида никоҳ тўйи бўлди. Даврада хонанда «муножот»ни шундай завқ билан куйлаяптики, беҳосдан ўйнаб юборгинг келади. Ёшлар бепарво ўтиришибди, ҳеч ким рақсга ҳам тушмади. Енимдаги қизларга ўйнамайсизларми, десам. Шу «ҳарф»ча мусиқайизга ўйнаб бўладими, дейишди. Қўшиқ тугагандан сўнг бир-икки кексароқ кишини инобатга олмаганда, раҳмат, яна бўлсин дейдиган одамнинг ўзи топилмади. Ҳалиги қизлардан бири созандаларнинг олдига бориб алланима девди, тўсатдан ҳеч нарса англаб бўлмайдиган данғур-дунғур куй бошланди. Ўтирган қизлар «мана бунга ўйнаса бўлади» деганча даврага отилиб чиқишди. Шу топда аксари ёшлар гўёки ширакайф одамдек гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга сакраб рақс тушишарди. Ўзимиз маъносини тушунмайдиган, олаговур хорижий мусиқага ҳурматимиз шунчалик баланд экан-да, ўзлигимизни унутиб қўймаяпмизми, деган фикр миямга урилди.

Касбим кутубхоначи бўлганлиги учун бу соҳадаги камчиликлар, хатолар, сусткашликлар ҳам менга кўпроқ аён. Тошкентдек шаҳри азимда 30 га яқин катта-кичик китоб дўкони бор. Аммо бирортаси ўзбекча китоб дўкони эмас. Буларда фақат ўзбекча бўлим ишлайди холос.

Босмадан чиққан янги китобларни кутубхонамизга олиш учун касаба уюшмаси керагича маблағ ажратаяпти. Бу пуллар банк орқали ўтказилиши керак. Лекин афсуски, бадиий китоблар олиш учун рухсат йўқ. Натижада керакли бадиий асарларни харид қилиш учун қоидани бузишга мажбур бўламиз. Таажжубланарли жойи шундаки, фақат 45-дўкондан китоб харид қилсаккина, Яккасарой тумани банки бу ишга бош қўшади. Бу дўконда ҳамиша ўзбекча китоблар бўлавермаслигини уларга тушунтиролмайсан. «Бошқасига рухсат йўқ» деб тураверишади. Оқибатда кутубхонамиздаги 25 минг китобдан атиги 4 мингги ўзбекча.

Айтингчи, шундай ҳолатда адабиёт ёрдами билан миллий ғурурни шакллантириб бўладими?

Президентимиз таъкидлаганидек, ёзувчилар ўзбекнинг миллий ғурури нимадан иборатлигини кўрсата оладиган асарлари билан халқ орасига кириб борсалар ишимиз осонлашарди. Ижодкорларимиз фахрланишга арзийдиган алломалар — Беруний, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Машраб сингари даҳолар ҳақида асарлар ёзишса, жойларда ёдгорликлар ўрнатилса, уларнинг тасвирлари туширилган тақвимлар жаҳон тилларида чоп этилса миллий ғурурнинг уйғонишн теалашарди деб ўйлайман.

М. УСМОНДИЕРОВА,
Ўзбекистон тўқимачилик саноати машинасозлиги заводи касаба уюшмаси кутубхонаси мудираси.

ШЕРОБОДЛИКЛАР ҲАМ СУВГА ЁЛЧИШДИ

ШЕРОБОД мўъжазгина шаҳар — 22 минг истиқоматчиси бор. Бундан кўп йиллар илгари ҳам бу ерлар шаҳар бўлган ва унинг ичидан Шеробод дарёси оқиб ўтган, ҳозир ҳам бор. Лекин энди унинг сувини ичиб бўлмайди.

Шероботнинг юқорисидаги чўчқахоналар, қатор-қатор молхоналарнинг чиқиндилари шу дарёга тушади. Агар бу чиқиндиларнинг устига қандайдир минерал чиқиндиларини қўшадиган бўлсак, дарёдаги сувнинг таркиби тахминан аён бўлади-қолади.

Қаранг, истеъмол учун яроқсиз сув биринчидан, одамнинг рангини хира қилиб ташлар экан. Бу — ўша одамнинг жигари яхши ишламайди деганидир.

Бу гаплардан мутасадди ташкилотларнинг хабари бор, бундан бир неча йил илгари аҳолини тоза (қаранг-а!) ичимлик сув билан таъминлаш тадбирларига киришилгани ҳали қўпчиликнинг эсидан чиққани йўқ. Шеробод дарёсидан юзларча чақирим шимолда худди шундай яна бир дарё бор. Номи — Хўжаипок. Суви ширин. Бундан бир неча йил илгари Хўжаипокдан Шерободга қаратиб қувур тортишга киришилди. Бу қувурнинг ичидан уч-тўрт яшар бола чопқиллаб юрса бўладиган эди. Ҳамма гапдан хабари бор раҳбарлар: «Бу қувур Бандихон, Қизириқ, Шеробод, Ангор районларига ичимлик сув бериб, Термиз шаҳригача бориб етади, чунки вилоят марказида яшаётган, демакки, Сурхондарёни тебратиб турган одамлар ҳам истеъмол учун яроқсиз бўлган сувнинг чойини ичишмоқда, қанча пул кетса кетсин, лекин Термизга Хўжаипокнинг сувини олиб бориш керак», дейишган эди. Хуллас, қурувчилар уч-тўрт йил роса ишлашди.

Хуллас, катта хурсандчилик шундан иборатки, ана шу сертармоқ қувурнинг бир шохи яқинда юқорида биз таърифини қилган Шеробод шаҳрига кириб борди. Унинг бир яхши фазилати шундаки, йўлида учраган қишлоқ истиқоматчилари ундан сув ичиши мумкин.

— Бу қувур Шеробод шаҳридан, адоқдаги «Таллашқон» совхозигача борди,— дейди Шеробод район ҳокимининг биринчи ўринбосари Хўшбоқ Пайғамов.— Районимизда жами 106 минг одам яшайди. Шундан 50 минг кишининг Хўжаипок сувига оғзи тегди.

Ҳоким ўринбосарининг айтишига қараганда, шерободликларнинг ҳаммаси Хўжаипок дарёсининг суви билан таъминланар эмиш.

О, агар шундай қилинганда ҳар бир шерободликнинг умри ўн-ўн беш йилга узаяр эди...

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи»нинг мухбири.

• Шатранж тарихидан

САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

МИНГ йиллар бурун яшаб ижод қилган Ўрта осиёлик машҳур олим ва тенги йўқ шатранжчи Абу Бакр ас-Сулий китобида шундай сатрлар битилган: «...Ўйинлар ичида ва подшоҳларнинг энг севимли машғулотлари орасида шатранждан яхшироқ нарса борлигини ҳеч ким билмайди».

Ажам (араблардан ташқари мамлакатлар) подшоҳлари ҳамма вақт болаларига ўзга илмлардан кўра шоҳмотни кўпроқ ўргатганлар. Ажамларнинг фикрича, шоҳмот ўйнамайдиган бола ўйнайдиган болага нисбатан отасининг назаридан четрокда қолган ҳисобланади...

Дарҳақиқат, ўша пайтларда шоҳмот кенг ривож топган ўлкалардан бири Ўрта Осиё эди. Ўрта асрларда ҳам Шарқ зиёлиларининг маданий машғулотларидан бири шоҳмот ҳисобланган. Кучли шоҳмотчилар шон-шуҳратга сазовор бўлганлар. Уларга санъаткорлар қатори иззат-ҳурмат билдирилган.

Машҳур тарихчи Хондамир: «...Али Табризий шатранж илмидан шу қадар воқиф эдики, бошқалар уни устод деб билардилар. Ҳатто ғойибона (тахтага қарамай) ҳам зўр ўйнарди. Амир Темур мажлисларида у ҳамиша қатнашарди, ўйнарди». Бу шоҳмотнинг ниҳоятда қадимги спорт турларидан бири бўлганлигидан, ўша даврлардаёқ илм ва санъат даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Хўжа Али Табризийнинг шоҳмотчилик шуҳрати Самарқанддалигида кенг ёйилади. Шатранжий деган тахаллус билан Амир Темур салтанатида ном қозонади. Алломалар ўртасида илмий баҳс-мунозаралар бўлиб турганидек турли мамлакат шатранж тождорларининг ўзаро куч синашиб кўришларига ҳам эҳтиёж туғилди. Бундан минг йил бурунроқ Шарқда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам шундай маҳорат соҳиблари майдонга чиққан эдиларки, улар «Олия», яъни гросмейстер деган унвонга сазовор, бўлгандилар.

Абу Ҳофиз, Раброб, Наим, ас-Сулий, Абулфатҳ, Абу Жаъфарлар ўз даврининг шоҳмот олиялари эди. Улар ўртасида расмий учрашув ўтказилганлиги ҳам маълум. 819 йилда Хуросонда Жобир, Раброб ва Абу Жаъфар исмли олиялар ўртасида ўтказилган матч ўшаларнинг биридир. Энг муҳим хулоса шуки, шоҳмот жаҳон халқларининг ҳамкорликдаги ижодлари меваси бўлиб, бунда Ўрта осиёликларнинг хизмати алоҳида ўрин тутиши эндиликда ҳар тарафлама эътироф этилмоқда.

Масала ва этюдлардан иборат композицияни баъзан шоҳмот поэзияси деб атайдилар. Улар фантазия ва гўзалликка бойдир. Шоҳмот композициясига VIII—IX асрлардаёқ асос солинган бўлиб, ал-Маҳдий ва унинг ўғли Ҳорун ар-Рашид ҳалифалик қилган пайтлардаёқ масалалар тўплами тузила бошланган. Бу тўплам мансуба, яъни шоҳмот мансубалари дейилган. Шундай мансубалардан бири «Дилором моти» — «Дилором мансубасидир». Унда айтилишича, Жамшид шоҳмотга муккасидан кетган шоҳ экан. Кунларнинг бирида у қўшни мамлакат подшоҳи билан шоҳмот суриб бор мол-мулкидан ажралибди. Ниҳоят, хотини гўзал Дилоромни ўйинга тикибди. Бир вақт тахтада шундай ҳолат юз берибди:

Оқлар Ша4, Ph1, Ph6, Og4, Филh3, пп: 16, g6.

Қоралар: Шg8, Pb2, Pb8, Ос4.

Оқлар (Жамшид)нинг аҳволи танг. Тўрт томонлама мот хавфи туғилган. Шу пайт Жамшид Дилоромга маъюс қараган экан, ўйинни парда орқасидан кузатиб турган малика фақат эри тушунадиган тилда мана шу тўртликни аста қўшиққа солиб айтибди.

Шоҳо, фараси хеш баноком мадеҳ,
Сарриштайин худ бармардуму ом мадеҳ.
Хоҳи ки зи дасти ту
Дилором маравад,
Ду руҳ бидеҳу аспи
Дилором мадеҳ.

маъноси: икки руҳингни бергин, аммо Дилором отини эҳтиёт қил. Буни пайқаган Жамшид ажойиб комбинация кўмагида рақибини мот қилибди. Мана ўша йўл:

1. Ph6 — h8+ Шg8:h8. 2. Филh3—15+ (қадимги шоҳмот шатранжида фил ана шундай, яъни бир хона ташлаб, ҳатлаб наригисига юрган). 2. ...Шh8—g8. 3. Ph1 — h8+ Шg8:h8. 4. g6 — g7+Шh8—g8, 5. Og4—h6+X.

Ёркин НОРҚУЛОВ.

• Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт • • Спорт •

• БОКС •

ШУ КУНЛАРДА Финляндиянинг Тамкере шаҳрида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда 8 нафар ҳамюртимиз иштирок этяпти. Қуръага кўра дастлабки босқичда Куба боксчиларига дуч келган ҳамюртларимиз М. Абдуллаев (57 кг), Н. Султонов (60 кг), И. Бунин (75 кг) ўйиндан чиқишга мажбур бўлишди. 91 кг оғирлик бўйича рингга чиққан боксчимиз А. Маскаев грузин боксчисини мағлуб этди. У кеча украиналик Литвинга қарши майдонга тушди.

Яна бир вакилимиз Наримон Отаев 62 кг вазнлилар бақсида Дания ва Корея боксчиларини мағлубиятга учратди. Бугун у Венгрия боксчиси Ш. Роланд билан куч синашади.

Шунингдек, чемпионатда ҳамюртларимиздан Ҳ. Аҳмедов — 51 кг, У. Сиддиқов— 54 кг, А. Григорьян —63,5 кг вазн бўйича иштирок этяптилар.

• ФУТБОЛ •

ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун 1/16 финалнинг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Қўқондаги ўйинни ҳисобга олмаганда деярли кутилмаган натижалар қайд қилинмади. Фақат республикамизнинг икки кучли жамоаси «Сўғдиёна» ва «Нурафшон»нинг 1/16 финалда ўзаро учрашуви бизни бироз ажаблантирди. Қуръага кўра 1/4 финалга чиқиладиган «Динамо» — «Прогресс», «Савай» — «Орол» тўртлигига нисбатан «Трактор» — «Локомотив», «Сўғдиёна» «Нурафшон» тўртлиги албатта, икки ҳисса кучлидир. Учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди.

«Навбаҳор» — «Косонсой» — 1:0, «Зарафшон» — «Политотдел» — 0:5, «Боғдодчи» — «Наврўз» — 0:2, «Ситора» — «Сурхон» — 0:1, «Трактор» — «Локомотив» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Нурафшон» — 1:0, «Насаф» — «Машъал» — 4:2, «Нефтчи» — «Шифокор»— 2:0, «Динамо» — «Прогресс» 3:1, «Савай» — «Орол» — 3:1, «Кимёгар» — «Пахтакор» — 1:3, «Янгиер» — «Норин» — 3:0, «Шаҳрихончи» — МҲСК — 1:2, «Чирчиқ» — «Бахт» — 4:2, «Атласчи» — «Маъданчи» — 5:0, «Темирйўлчи» — «Олмалиқ» — 0:1.

Такрорий ўйинлар 19 — 21 май кунлари бўлиб ўтади.

• ШОҲМОТ •

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Республика шоҳмот-шашка клубида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон 58-чемпионати Олий лигаси (эркаклар ўртасида) мусобақалари якунланди.

Ўтган йилги чемпион, спорт устаси, чирчиқлик Сайдали Йўлдошев бу йил ҳам муваффақиятли дона суриб, муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритди. У 15 партиянинг саккизтасида ғалаба қозонди, шунингдек чемпионатда бирор марта ҳам мағлубият аламини чекмади. Ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган сўнгги турда у халқаро миқёсдаги спорт устаси Михаил Салтаев билан дуранг ўйнади.

Иккинчи ўрин учун кураш анча қизғин борди. Сўнгги тургача бу ўринга бир йўла тўрт шоҳмотчи даъвогарлик қилди. Охирги тур олдидан бошқаларга нисбатан қулай имкониятга эга бўлган спорт устаси Дмитрий Қаюмов сўнгги партияда Рашид Кагиров билан дуранг ўйнаб, самарқандлик Тоҳир Воҳидов

ва халқаро миқёсдаги спорт устаси Рашид Зиёвуддиновларнинг етиб олишига имкон яратди. 15-турда Т. Воҳидов А. Белкинни, Р. Зиёвуддинов эса Д. Раҳимовни мағлуб этди. А. Барсов — Д. Блодштейн, С. Нодирхонов — М. Жумаев, Р. Қосимжонов — С. Галахов учрашувлари дуранг билан тугади. Спорт усталигига номзод шоҳмотчи А. Паронян спорт устаси Э. Гринштундан устун келди.

Шундай қилиб ўн беш имкониятдан 11,5 очко жамғарган С. Йўлдошев биринчи ўринни эгаллади. Шунча имкониятдан 10 тадан очко тўплашган Т. Воҳидов, Д. Қаюмов, Р. Зиёвуддиновлар иккинчи ва тўртинчи ўринларни ўзаро баҳам кўришди.

Турнирнинг энг ёш иштирокчиси (14 ёш) спорт усталигига номзод тошкентлик шоҳмотчи Рустам Қосимжонов беш ғалаба, беш дуранг, беш мағлубият билан 7,5 очко тўплаган ҳолда ўн олти шоҳмотчи ичида 9-чи ўринни эгаллади.

Самарқандлик 18 ёшли шоҳмотчи Марат Жумаевнинг эришган натижаси ҳам диққатга сазовор. У 8,5 очко тўплаб биринчиликда фахрли олтинчи ўринга кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда Марат иккинчи-тўртинчи ўринни эгаллаб турган шоҳмотчилардан бор-йўғи 1,5 та кам очко жамғариб, деярли тенг ўйин кўрсатди.

Р. ЖУМАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон чемпиони Сайдали Йўлдошев; энг ёш иштирокчи Рустам Қосимжонов.

А. МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

конусли кран Е39061 т/ф 11Б12бк

ТУ-26-07-410-87 бўйича ишлатилади
3300 цикл ремонтсиз ишлайди

ДУ-15 - 576 сўм
ДУ-20 - 797 сўм
ДУ-25 -1018 сўм



Сув ва газ бекитмоқ арматураларининг барча турлари



бекитмоқ клапани (вентиль)

ТУ МХ 0511002-92 бўйича ишлатилади
шартли босим 1(10)МПа (кгс/кв.см)
иш температураси +4 ... +70

ДУ-15 - 662 сўм
ДУ-20 - 917 сўм
ДУ-25 -1179 сўм

Жез сотадиганларга нархи қамайтирилади.
1К62Д, 16К20, 3Е711 станокларига бартер қилмоқ мумкин.
Маҳсулотлар олдиндан пул тўлангандин кейин сотилади:
р/с 467321 корр.счет 700161660, ТОО "Металл"

Производственное акционерное общество
453350, Башкортостан, г. Кумертау, ул. Ленина, 4, а/я 128.
Тел. (34761)2-16-49, факс 2-32-12, тайп 350759 НУР.

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!
Тошкент Республика ипподроми янги мавсум очилганини маълум қилади.
2 майдан 5 сентябргача ҳар якшанба кунлари соат 9 да
ЧАВАНДОЗЛИК ва ПОЙГАЛАР
ўтказилади. Ресторан, кафе ва савдо расталари ишлаб турибди.
Энг яхши ҳордиқ - отчопардадир!
Манзилимиз: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 156.
Метронинг Собир Раҳимов бекати.
153, 172, 173, 180, 448-автобус,
17-трамвайнинг "Ипподром" бекати.
Маълумот учун телефонлар: 76-75-47, 76-76-26.



КОНСОРЦИУМ TEKNESLS - INFO
Янги келган маҳсулотлар
IBM PC/AT - 286, 386 ,387 негизида дастурий-техникавий мажмуилар.
"MBL","UNIMEX" фирмасининг 5,25 дискетлари.
Экран муҳофазаси фильтри /тўрсимон/ .
"CITIZEN 839", "CEDAR B86" калькулятори.
"PANASONIC KX-50B" телефакси .
"CANON 3525" ксерокси икки рангли /қизил, қора/.
☎ 67-25-57, 67-85-86 ☎
СИЗЛАРИ БИЛАН БИРГА - КЕЛАЖАККА!

"АНИК" ФИРМАСИ
Челябинск шаҳри
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ШИНАЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТАДИ:
"ЖИГУЛИ" 01 учун 615 х 13 ҳажмда
"ЖИГУЛИ" 05 учун 165 х 13 ҳажмда
"ЖИГУЛИ" 07 учун 175 х 13 ҳажмда
Нижне-Камск "КАМАЗ" заводи маҳсулоти
Тошкентдаги телефонлар:
29-02-50, 29-04-45, 29-63-94

ДИҚҚАТ !
Қизил китобга киритилган лолаларни ва бошқа ўсимликларни териш таъқиқланади.
Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофоза қилиш давлат қўмитасининг махсус назорати.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев, навбатчи — И. Худоёров.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ўринбой Юсуповга отаси

Эркабой УМАР ўғлининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва Аллоҳу таолодан сабр-тоқат тилайди.

Ўзбекистон Давлат суғурта бош бошқармаси жамоаси бўлим бошлиғи А. Абдуқаюмовга волидаси

МАРҲАМАТ аянинг вафот этиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—237. 105466 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: — 24.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 223456